

Зулмдан сақланинг



07:00 / 29.01.2019 2651

Бир мутақаббир золим хизматкорига фалончи аёлни келтиришни буюрди. Унинг мақсади бечора аёлни азоблаб, устидан кулиш эди. Аёлни олиб келишди. Золим бу аёлни ерда судрашни буюрди. Аёл золимга: «Аллоҳдан қўрқ!» деди. Золим унга парво ҳам қилмай, судрашда давом этишни буюрди. Аёл унга «Бундай қилма! Аллоҳдан қўрқ!» деб айтар, золим эса судрашга буюраверар эди. Ниҳоят, аёл унга гапириш фойда бермаслигини билиб, осмонга қараб, Зумар сурасидаги «Аллоҳим! Эй осмонлару ерни яратган Зот! Ғойибу ошкорни билгувчи Зот! Бандаларнинг орасида улар ихтилоф қилиб юрган нарсаларда Ўзинг ҳукм қилурсан», деган оятни ўқиди-да, «Аллоҳим, агар бу одам менга зулм қилаётган бўлса, буни Ўзинг ол!» деб дуо қилди. Шу лаҳзада золим йиқилиб, жони узилди. Ҳамма унинг жанозасига тайёрлана бошлади, аёл эса соғ-саломат уйига қайтиб кетди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан